XALQ DEPUTATLARI MIRZACHO‘L TUMAN KENGASHI
Q A R O R I

Gagarin sh. 130300, O‘zbekiston ko‘chasi, 29-uy. Tel: (72) 312-21-11

2022 - yil 24 - fevral VI-38-24-3-51-K/22 Mirzacho‘l tuman hokimligi

Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2022 йил 19 январда “Мирзачўл туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-34-2-3-51-K/22-сонли қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6- ва 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, халқ депутатлари туман Кенгашининг 2022 йил 19 январда “Мирзачўл туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-34-2-3-51-K/22-сонли қарорига асосан Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар ҳамда жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлақ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қайта кўриб чиқиб, халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2022 йил 19 январда “Мирзачўл туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-34-2-3-51-K/22-сонли қарорининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар тўғрисидаги 1-иловага мувофиқ, жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлақ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар тўғрисидаги 2-иловага мувофиқ ўзгартирилсин.

2. Мазкур қарор “Мирзачўл овози” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

3. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

4. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича

доимий комиссияси ҳамда туман хокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш бўйича биринчи ўринбосари в.б Ж.Омонов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ш.Ахмедов**

Халқ депутатлари Мирзачўл туман
Кенгашининг
2022 йил 24 февралдаги
VI-38-24-3-51-K/22-сон қарорига
1-илова

Қишлоқ хўжалиги учун мўлажалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича бўйича мутлоқ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффифентлар

Т/Р	Ҳудудлар	Солиқ кодексининг 429-моддасига асосан 1 гектар учун базавий солиқ ставкаси, млн.сўмда	Халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари томонидан қўлланилган коэффициент ***(0,5-2,0)***		Туман (шаҳарлар) кесимида 1 гектар учун ер солиғи, млн.сўмда
			камайтирувчи	оширувчи	
1	***2***	***3***	***4***	***5***	***6***
1	Ғалаба МФЙ	19.09		1,15	33,4
2	Мустақиллик МФЙ	14.75		1,15	33,4
3	Дўстлик МФЙ	14.75		1,10	31,9
4	Мирзадала ШФЙ	14.75		1,15	33,4
5	Ержар МФЙ	14.75		1,10	31,9
6	Ипак йўли ҚФЙ	13.88		1,00	29,0
7	Тошкент ҚФЙ	13.88		1,00	29,0
8	Пахтазор ШФЙ	13.88		1,15	33,4
9	Боғбон ҚФЙ	14.75		1,10	31,9
10	Янгидала ҚФЙ	13.02		1,00	29,0
11	Ўзбекистон ҚФЙ	13.02		1,10	31,9
12	Гулзор ҚФЙ	13.02		1,00	29,0

Халқ депутатлари Мирзачўл туман
Кенгашининг
2022 йил 24 февралдаги
VI-38-24-3-51-K/22-сон қарорига
2-илова

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.метр учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффифентлар

Т/Р	Ҳудудлар	Солиқ кодексининг 437-моддасига асосан 1 кв.м учун базавий солиқ ставкаси, сўмда	Халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари томонидан қўлланилган коэффициент ***(0,5-2,0)***		Туман (шаҳарлар) кесимида 1 гектар учун ер солиғи, сўмда
			камайтирувчи	оширувчи	
1	***2***	***3***	***4***	***5***	***6***
1	Ғалаба МФЙ	164		0.90	211
2	Мустақиллик МФЙ	147		0.80	187
3	Дўстлик МФЙ	147		0.80	187
4	Мирзадала ШФЙ	147		0.80	187
5	Ержар МФЙ	147		0.80	187
6	Ипак йўли ҚФЙ	138		0.75	176
7	Тошкент ҚФЙ	138		0.75	176
8	Пахтазор ШФЙ	138		0.75	176
9	Боғбон ҚФЙ	138		0.75	176
10	Янгидала ҚФЙ	129		0.70	164
11	Ўзбекистон ҚФЙ	129		0.70	164
12	Гулзор ҚФЙ	129		0.70	164